

*O'zbekiston Respublikasi, Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, B.Marg'iloniy ko'chasi, 70-uy 18-xonadon, X/r:  
20208000705410835001, INN: 308636111, MFO: 01131, Universal bank Farg'ona filiali, Telefon: +99893-244-55-58,  
+99893-980-5575.*

## Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

### «FARG'ONAAZOT» АЖнинг раҳбариятига

Мен (биз), Фарғона шаҳри Б.Марғилоний кўчаси 70/18 уйда жойлашган, электрон почта манзили [himoyafair1@gmail.com](mailto:himoyafair1@gmail.com), Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) Қонуннинг 41-42-моддасига асосида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 11.08.2021 йилда «Аудиторлик ташкилотлари реестри»га киритилган ва барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга, СТИР 308636111, банк ҳисоб рақами 20208000705410835001 «Универсалбанк» Фарғона филиалида очилган, МФО 01131 масъулияти чекланган жамият шаклидаги «НІМОҲА FAIR» аудиторлик ташкилоти аудитори Хатамов Шавкат Бокиевич (Аудитор малака сертификати №05754 14.10.2021 йилда берилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект «FARG'ONAAZOT» АЖнинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат, 31 декабрь 2021 йил ҳолати бўйича молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «FARG'ONAAZOT» АЖнинг тақдим қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи «FARG'ONAAZOT» АЖнинг 31 декабрь 2021 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «НІМОҲА FAIR»  
аудиторлик ташкилоти раҳбари:

Аудитори:



Ш.Б.Хатамов